

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РУЗИЕВ УМИД САНАКУЛОВИЧ**

**СЕМИЗЛИК ВА УГЛЕВОДЛАР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛГАН  
БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШДА ОШҚОЗОННИ ШУНТЛАШ  
АМАЛИЁТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рузиев Умид Санакулович**

Семизлик ва углеводлар алмашинуви бузилган беморларни даволашда ошқозонни шунтлаш амалиётининг самарадорлигини баҳолаш..... 3

**Рузиев Умид Санакулович**

Оценка эффективности желудочного шунтирования при лечении больных с ожирением и нарушением углеводного обмена..... 21

**Ruziev Umid Sanakulovich**

Evaluation of the effectiveness of gastric bypass in the treatment of patients with obesity and disorders of carbohydrate metabolism..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РУЗИЕВ УМИД САНАКУЛОВИЧ**

**СЕМИЗЛИК ВА УГЛЕВОДЛАР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛГАН  
БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШДА ОШҚОЗОННИ ШУНТЛАШ  
АМАЛИЁТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib986 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва « Ziyonet » ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Тешаев Октябрь Рухиллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Оспанов Орал Базарбаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Акбаров Миршавкат Миралимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий Кенгашнинг “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида (134-сон билан рўйхатдан ўтган) танишиш мумкин. Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халқа йўли, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.А. Ибадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Семизлик ва у билан боғлиқ касалликлар ҳолатларининг кўпайиши мисли кўрилмаган, жиддий тиббий, ижтимоий ва иқтисодий саломатлик муаммосини ифодалайдиган XXI асрнинг глобал эпидемияси сифатида тавсифланади»<sup>1</sup>. Ортиқча вазн сайёрамизнинг ҳар ўнинчи яшовчисида учраб, иқтисодий ривожланган давлатлар аҳолиси орасида морбид семизлик 3-5% ни ташкил этади. Морбид семизлик юрак қон томир касалликлари билан бир қаторда, микроқонтомир атеросклеротик ўзгаришларининг пайдо бўлиш хавфини кескин ошириши исботланган. Инсон метаболизмидаги ушбу комплекс ўзгаришлар “метаболик синдром” тушунчаси асосини ташкил этиб, бундан ташқари артериал гипертония, абдоминал семизлик, атероген дислипидемия ва қандли диабет 2 типи кўринишидаги инсулинорезистентлик каби ҳолатлар билан ифодаланади. “Фармокологик, психологик ва жисмоний машқлар билан кўллаб қувватланган диетотерапия морбид семизликни даволашда айниқса узок муддатли кўзатувда ўзининг самарасиз эканлигини кўрсатди. Ўз ўрнида семизлик билан ҳамроҳ бўлган юрак қон томир касалликларидаги кардиоваскуляр хавфни ва ўлим кўрсаткичини кескин камайтириш орқали бариатрик хирургия ўзининг юқори самрадорлигини исботлади<sup>2</sup>”. Шу сабабли замонавий бариатрик амалиётларнинг метаболик синдромининг кечишига таъсир этишини ўрганиш борасидаги изланишлар долзарблигича қолмоқда.

Дунё амалиётида ҳозирги кунда гормонал ва генетик омилларининг хавфини ҳисобга олган ҳолда метаболик синдромнинг кечишидаги ўзига хос хусусиялари ва унинг ёғ туқимаси гормонлари дисбаланси ва ренин-ангиотензин-альдостерон системаси компонентлари активлашишидаги ўрнини ўрганиш илмий изланишлар орасида энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Кенг гастроэнтероанатомоз ва овқат хазм қилишдан чиқариб кўйиладиган қовузлоқ узунлиги ҳақида ҳали ҳам кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда метаболик синдромнинг айрим кўринишлари ривожланишида семизлик ва липидлар алмашинуви бузилишининг генетик полиморфизмга алоқадорлиги мавзусида молекуляр илмий изланишлар олиб борилиб, бунда метаболик синдром ривожланиши учун генетик молекуляр асослар бор ёки йўқлиги, айрим компонентлари мустақил равишда наслдан наслга ўтиши ва синдромнинг ўзи кўплаб генетик омиллар қўшма таъсири оқибати эканлиги ҳақида етарли миқдорда илмий асосланган маълумотлар тўпланмаган.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам

<sup>1</sup> Piché ME, Tchernof A, Després JP. Obesity Phenotypes, Diabetes, and Cardiovascular Diseases. // *Circ Res*. 2020 May 22;126(11):1477-1500. doi: 10.1161/CIRCRESAHA.120.316101. Epub 2020 May 21.

<sup>2</sup> Kumar S, Behl T, Sachdeva M, Sehgal A, Kumari S, Kumar A, Kaur G, Yadav HN, Bungau S. Implicating the effect of ketogenic diet as a preventive measure to obesity and diabetes mellitus. // *Life Sci*. 2021 Jan 1;264:118661. doi: 10.1016/j.lfs.2020.118661. Epub 2020 Oct 26

қўламини сезиларли даражада кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Абдоминал жаррохликда, жумладан, замонавий бариатрик амалиётларининг семизлик ва қандли диабет 2 типини хирургик даволашда ижобий натижаларга эришилган. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган<sup>3</sup>”. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, семизлик ва қандли диабет 2 типи билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш мақсадида хирургик амалиётга кўрсатмаларни ва минигастрошунтлаш амалиётини бажаришда техник жихатларни оптималлаштириш ва шу билан бирга эришилган натижаларни Ру бўйича гастрошунтлаш амалиёти билан таққослаш ва баҳолаш долзарб йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот мавзусининг Республикадаги устувор тадқиқот йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёда қандли диабет 2 типи (ҚД 2 типи) билан қўшма ҳолатда семизликка чалинган беморлар сони тобора ортиб бормоқда. Маълумки, ҳозирги кунда дунёда ушбу касалликка чалинган беморларни даволашда бариатрик хирургик амалиётлар ишончли ва самарали усул сифатида қўлланилмоқда (Malone JL., 2019).<sup>4</sup> Улар орасида, «овқат истеъмол миқдорини чеклашга қаратилган (рестриктив таъсир) ва унинг сўрилишини камайтирадиган (мальабсорбция таъсири) миниинвазив гастрошунтлаш инсулинрезистентликни (ИР) сусайишига ва ҚД 2 типини ремиссиясига, барқарор вазн йўқотишга, шунингдек, бошқа ёндош касалликлар ремиссиясига олиб келади» (Rutledge P., 2017)<sup>5</sup>. Кўп муаллифлар таъкидлаб ўтадики, консерватив усуллардан фарқли ўлароқ, «очиқ ва

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

<sup>4</sup> Malone JL, Hansen BC. Does obesity cause type 2 diabetes mellitus (T2DM)? Or is it the opposite? // *Pediatr Diabetes*. 2019 Feb;20(1):5-9. doi: 10.1111/pedi.12787. Epub 2018 Nov 5.

<sup>5</sup> Rutledge R., Kular K.S., Manchanda N., et al. Laparoscopic Roux-en-Y vs. mini-gastric bypass for the treatment of morbid obesity: a 10-year experience. *Laparosc Endosc Surg Sci*. 2017; 24(2): 58-62.

миниинвазив бариатрик жарроҳлик усуллари медикаментоз даволашни тўхтатган ҳолда плазмадаги глюкоза ва гликирланган гемоглобин (HbA1c) миқдорларини умрбод нормаллашиши билан кечадиган ҚД 2 типини ва метабolik синдромнинг бошқа компонентларини ремиссиясига, шунингдек 10 йилдан ортиқ муддатда морбидли семизлик (МС) билан хасталанган беморларда самарали вазн йўқотишга олиб келади»<sup>6</sup>.

Ру бўйича гастрощунтлаш (ГШ) турли бариатрик операциялар орасида барқарор узоқ муддатли вазн йўқотишни (ўз навбатида, 1 ва 2 йил операциядан кейинги ортиқча вазн йўқотиш 58,7% ва 60,0%) таъминлайдиган “олтин стандарт” жарроҳлик усули деб ҳисобланишига қарамасдан, минигастрошунтлаш (МГШ) енгил, тез бажариладиган ва кам асоратлар, ҳамда кўпроқ ортиқча вазн йўқотиш билан кечадиган (ўз навбатида, 1 ва 2 йил операциядан кейинги ортиқча вазн йўқотиш 64,9% ва 64,4%) жарроҳлик муолажаси бўлганлиги учун қисқа фурсатда дунё миқёсида кенг тарқалди<sup>7</sup>. Аммоги ВJ фикрича, “миниинвазив бариатрик жарроҳлик эффекти бутун умр сақланади, қойида тариқасида, жиддий парҳез қилишни талаб қилмайди, ҳамда ҳаёт сифати ва унинг давомийлигини оширишига олиб келади”<sup>8</sup>. Метаанализ ва рандомизирланган таҳлилларнинг натижаларига кўра, «вазн йўқотиш ва операциядан кейинги ҚД 2 типи ремиссияси билан боғлиқ самарадорлик, биринчи навбатда, бариатрик операциялар миниинвазивлигидан боғлиқ. Шундай қилиб, МГШ Ру бўйича ГШга нисбатан семизликда 2 йиллик кўзатувда юқори самардорликка эга бўлиб, МГШдан сўнг ҚД 2 типи ремиссия даражаси Ру бўйича ГШдан сўнг 2 марта юқори (Wang F.G., 2018)<sup>9</sup>. Бироқ, таъкидлаш жоизки, адабиётларда семизлик билан боғлиқ ҚД 2 типини даволашга МГШ ва Ру бўйича ГШ таъсирининг механизмларини қиёсий ўрганишга бағишланган кўп марказли рандомизирланган назорат тадқиқотлари чекланган миқдорда учрайди.

Ўтказилган адабиёт таҳлилининг натижасига кўра, операциядан олдинги даврда семизликнинг даражасини, ИР кўрсаткичларини ва ҚД 2 типи давомийлигини инобатга олган ҳолда бариатрик жарроҳлик усулини танлашда дифференциациялашган ёндашув ва операциядан кейинги даврда асоратлар предикторларини аниқлаш, МС билан хасталанган беморларда шунтланаётган ичак қовузлоғи узунлигини бариатрия самарадорлигига таъсир қилишини ўрганиш замонавий бариатрия хирургиясининг долзарб ва ўзини ечимини топмаган масалалари ҳисобланади. Шу муносабат билан, тана вазни индекси, НОМА индекси, беморнинг ёши ва касаллик давомийлигини ҳисобга олган ҳолда узиладиган қовузлоқ узунлигини аниқлаш, ҳамда бариатрия асоратларини

<sup>6</sup> Meijnikman AS, Gerdes VE, Nieuwdorp M, Herrema H. Evaluating Causality of Gut Microbiota in Obesity and Diabetes in Humans. // *Endocr Rev.* 2018 Apr 1;39(2):133-153. doi: 10.1210/er.2017-00192.

<sup>7</sup> Kraljević M., Delko T., Köstler T., et al. Laparoscopic Roux-en-Y gastric bypass versus laparoscopic mini gastric bypass in the treatment of obesity: study protocol for a randomized controlled trial. *Trials.* 2017; 18(1): 226.

<sup>8</sup> Ammori BJ, Skarulis MC, Soran H, Syed AA, Eleдриси M, Malik RA. Medical and surgical management of obesity and diabetes: what's new? // *Diabet Med.* 2020 Feb;37(2):203-210. doi: 10.1111/dme.14215. Epub 2020 Jan 7.

<sup>9</sup> Wang F.G., Yan W.M., Yan M., Song M.M. Outcomes of Mini vs Roux-en-Y gastric bypass: A meta-analysis and systematic review. *Int J Surg.* 2018; 56: 7-14.

кўп омилли таҳлили билан боғлиқ ҳолда дифференциациялашган ёндашув масалалари ўзининг долзарблигини йўқотмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ 01.5013-сон «Инсон жарроҳлик касалликларини диагностика қилиш ва даволаш учун янги ёндашувлар» (2019-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** минигастрошунтлаш амалиётининг кўрсатмаларини ва техник жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини Ру бўйича гастрошунтлашга нисбатан қиёсий баҳолаш орқали семизлик ва қандли диабетнинг 2 типи билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

семизлик ва қандли диабетнинг 2 типи мавжуд бўлган беморларда Ру бўйича ГШнинг углевод алмашинуви кечишига, ортиқча тана вазнининг йўқотилишига, тана вазни индекси ва инсулинрезистентликка таъсирини баҳолаш;

семизлик ва ҚДнинг 2 типи билан касалланган беморларда МГШдан кейинги углевод алмашинувининг ўзгаришини, ортиқча тана вазнини йўқотишни, тана вазни индексини ва инсулинга бўлган резистентликнинг хусусиятларини ўрганиш;

ҚДнинг 2 типи билан касалланган беморларда Ру бўйича ГШ ва МГШдан кейинги қиёсий кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

тана вазни индекси, ҚДнинг 2 типи оғирлик даражаси ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг хирургик касалликлар кафедрасида 2016 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда семизликка ва ҚДнинг 2 типига чалинган 61 нафар беморда бажарилган бариатрик амалиётлар натижалари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** семизлик, қандли диабетнинг 2-типи билан оғриган беморларда гастрошунтлаш ва минигастрошунтлаш натижаларини таҳлил қилишдан ва уларнинг углевод алмашинуви, семизлик ва инсулинга бўлган резистентлик кўрсаткичларига таъсирини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, лаборатория (қоннинг биокимёвий таҳлили), атерогенлик коэффициенти (Ка) ни, тана масса индексини, %ЕВМІЛ (ортиқча вазн йўқотиш индексининг камайиши) ни, НОМА индексини (инсулинрезистентлик даражаси) ҳисоблаш ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

морбид семизликка чалинган беморларда бетта хужайраларининг давомли гиперфункцияси ва турғун инсулинрезистентлик асносида инсулин ажратиб

чиқарилишининг пасайиши бетта хужайраларининг камайиши ҳамда апоптозига олиб келиши аниқланган;

тана вазни индекси унча катта бўлмаган ҳолатда давом этувчи инсулинрезистентлик шароитида ва бетта хужайралари апоптозининг лаборатор белгилари бўлган ҳолларда инкретин механизмларини кўпроқ стимуляцияси учун хазм жараёни дистализация даражасини пасайтириш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

хавф омилларини аниқлаш, хирургик даволаш натижаларини ва самарадорлигини баҳоратлаш орқали тана вазни индекси, “НОМА” индекси ва семизлик билан асоцирланган ҚДнинг 2-типи билан касалланиш давомийлиги ўртасида патогномик боғлиқлик борлигига аниқлик киритилган;

минигастрошунтлаш амалиётини амалга ошириш ташрихдан гликемия даражасини назорат қилиш ва турғун ремиссия (тўлиқ ремиссияси) кўрсаткичларининг меъёрлашуви борасида бемор ёши, морбид семизлик мавжудлиги ва ҚДнинг 2 типини билан касалланиш давомийлигидан катъий назар 2 йилдан кейин юқори самарадорлик билан тавсифланиши аниқланган;

Ру бўйича гастрошунтлашга нисбатан минигастрошунтлашда хазм жараёнидан чиқарилган узунроқ қовузлок ва кенг гастроэнтероанастомоз овқат хазм қилишнинг самарали дистализацияси орқали кўпроқ ортиқча тана вазни йуқотилишига ва ҚДнинг 2 типининг мустаҳкам (тўлиқ) ремиссиясига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

метаболик синдромни бартараф этиш бўйича аралашув самарадорлигини баҳораш билан ташрихдан кейинги турли муддатларда минигастрошунтлашнинг гликемия даражасини назорат қилишга таъсири аниқланган;

семизлик ва қандли диабетнинг 2-типи ремиссиясига нисбатан Ру бўйича гастрошунтлашдан кўра модификацияланган минигастрошунтлаш усулидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган;

ёшни, бошланғич тана массаси индексини, касалликнинг давомийлигини ва инсулинрезистентлик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда меъдани шунтлашнинг энг самарали усулини танлаш мезонлари ва кўрсатмалари оптималлаштирилган;

беморнинг ёши, жинси, тана массаси индекси ва 2-тип қандли диабетнинг давомийлигига боғлиқ ҳолда гастрошунтловчи ташрихларда хазм тизимидан чиқарилувчи ичак қовузлоғининг мақбул узунлигини танлашнинг тактик жиҳатлари очиқ берилган;

даволаш натижаларини яхшилаш ва асоратлар ривожланиши хавфини камайтириш, шунингдек, 2-тип қандли диабетнинг ремиссиясига эришиш мақсадида семизлик ҳамда углевод алмашинуви бузилиши бўлган беморлар гуруҳини хирургик даволаш бўйича тавсияларга аниқлик киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган натижаларнинг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳорашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, турлича омилларга боғлиқ холда турли гастрощунтлаш амалиётларининг семизлик кўрсаткичларига, 2-тип қандли диабетнинг кечишига ва инсулинрезистентликка таъсирини ўрганишга, шунингдек овқат хазм қилиш дистализацияси ҳамда инкретин механизмларининг функционал стимуляцияси даражаларига боғлиқ холда метаболлик синдромининг кечиш хусусиятларини аниқлашга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўтказилган таҳлил ва тадқиқот натижалари семизликликни хирургик даволаш усулини танлашга дифференциаллашган ёндашувнинг комплекс дастурини, бемор ёши, тана вазни индекси, “НОМА” индекси ва бошқа кўрсаткичларини ҳисобга олган холда углевод алмашинуви бузилишларини, касаллик давомийлиги ва аралашувнинг прогностик хавфини такомиллаштирган холда хирургик коррекциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириши, тезкор реабилитация ва беморлар ҳаёт сифатини ошиши билан даволаш натижаларини яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Семизлик ва углеводлар алмашинувининг бузилиши билан хасталанган беморларда гастрощунтлашнинг тактик ва техник жиҳатларини оптималлаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

семизлик ва углевод алмашинуви бузилган беморларни хирургик даволаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Семизлик ва углевод алмашинуви бузилган беморларни хирургик даволаш усулини танлаш ва операциядан кейинги реабилитация» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20347-сон маълумотномаси). Услубий тавсияномани жорий этиш ташрихдан кейинги эрта ва кечки даврларда морбид семизликни хирургик коррекция қилиш натижаларини яхшилашга имкон берган;

семизлик ва углевод алмашинувининг бузилиши билан касалланган беморларда ошқозонни шунтлаш амалиётининг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва «TRUST MEDICAL CENTER» МЧЖ хусусий тиббиёт клиникаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20347-сон маълумотномаси). Семизлик ва қандли диабетнинг 2 типи билан касалланган беморларда хирургик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш натижасида ташрихдан кейинги асоратлар частотасини 31,5% дан 2,4% гача камайтиришга, шифохонада бўлиш муддатини 9 кундан 4 кунгача қисқартиришга ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичини яхшилашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Семизлик ва қандли диабет 2 типини хирургик даволашнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида тўрт бўлимдан иборат бўлган адабиётлар шарҳи ўтказилган, унда ушбу патологиянинг эпидемиологик ҳолати ва замонавий тушунчасига оид маълумотлар келтирилган. Бобда консерватив даво имкониятлари, шунингдек, бариатрик операцияларнинг барча турларини ривожланиш тарихий босқичлари баён этилган. Ушбу тоифадаги беморларни даволашнинг келгусида ечимларни талаб қилувчи долзарб масалалари тасвирланган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари”**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқот босқичлари, клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Семизлик турли даражалари билан биргаликда ҚД 2 типи билан хасталанган 61 нафар беморда ўтказилган тадқиқотлар таҳлиliga асосланган. ГШ нинг модификациясига қараб беморлар 2 гуруҳга бўлинди:

1-гуруҳни Ру бўйича ГШни ўтказган 19 (31,1%) та бемор ташкил этди;

2-гуруҳни 42 (68,9%) МГШ ўтказган бемор ташкил этди. Барча ҳолларда лапароскопик усул ишлатилган.

МС ни мавжудлигини инобатга олган ҳолда Ру бўйича ГШни ва МГШни гликемия даражасига ва тана вазни индексини (ТВИ) камайишига таъсири самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун барча беморлар ТВИ бўйича икки гуруҳга бўлинган:

1 гуруҳ – ТВИ <40 кг/м<sup>2</sup> билан 40 (37,2%) нафар бемор;

2 гуруҳ – ТВИ >40 кг/м<sup>2</sup> билан 21 (62,3%) нафар бемор.

Ру бўйича ГШ ва МГШни гликемия даражасига самарали таъсири натижалари қуйидаги мезонларга кўра операциядан 3 ой, 6 ой, 1 йил ва 2 йилдан кейин таҳлил қилинди: касаллик давомийлиги, ТВИ, глюкоза даражаси, инсулин, С-пептид, HbA<sub>1c</sub>, НОМА индекси. Бундан ташқари, семизликни даволашда Ру бўйича ГШ ва МГШнинг самарадорлик натижалари

юқорида кўрсатилган операциядан кейинги даврда қуйидаги кўрсаткичларга кўра ўрганилди: ёш, ТВИ, %ЕВМІЛ.

Диссертациянинг **“Семизлик билан хасталанган беморларда углеводлар алмашинувини таҳлили”**, деб номланган учинчи боби иккала гуруҳ беморларда Ру бўйича ГШ ва МГШдан олдин углеводлар алмашинуви бузилиши ва ТВИнинг дастлабки кўрсаткичларини, шунингдек, операциядан кейинги даврда уларнинг пасайиш сурьатларини қиёсий баҳолашга бағишланган. ТВИ дан қатъий назар, иккала гуруҳнинг дастлабки параметрлари ўхшаш бўлган.

ТВИ <40 кг/м<sup>2</sup> бўлган Ру бўйича ГШ гуруҳи беморларнинг (n=12) ўртача ёши 47,08±8,64 йилни, ТВИ - 33,51±3,58 кг/м<sup>2</sup>, глюкоза даражаси - 11,01±1,86 ммол/л, инсулин даражаси - 36,22±4,51 мкМЕ/мл, С-пептид даражаси - 3,25±0,52 нг/мл, НbА1с даражаси - 8,76±1,12%, НОМА индекси - 17,81±4,30 ни ташкил этди. Статистика нуқтаи назардан, ушбу кўрсаткичлар ТВИ <40 кг/м<sup>2</sup> бўлган МГШ гуруҳ беморларининг (n = 28) шу каби кўрсаткичлардан фарқ қилмади: ўртача ёш 44,67±8,77 йилни, ТВИ - 33,97±2,90 кг/м<sup>2</sup>, глюкоза даражаси - 10,06±3,02 ммол/л, инсулин даражаси - 35,48±5,00 мкМЕ/мл, С-пептид даражаси 3,11±0,37 нг/мл, НbА1с даражаси - 8,60±2,02%, НОМА индекси - 15,75±5,02 ни ташкил қилди.

ТВИ >40 кг/м<sup>2</sup> бўлган Ру бўйича ГШ гуруҳи беморларнинг (n=7) ўртача ёши 39,00±12,35 йилни, ТВИ - 44,97±4,93 кг/м<sup>2</sup>, глюкоза даражаси - 11,57±2,06 ммол/л, инсулин даражаси - 36,60±6,77 мкМЕ/мл, С-пептид даражаси - 2,99±0,36 нг/мл, НbА1с даражаси - 8,85±1,35%, НОМА индекси - 18,60±3,81 ни ташкил этди. НbА1с дан ташқари барча кўрсаткичлар ТВИ >40 кг/м<sup>2</sup> бўлган МГШ гуруҳ беморларининг (n = 14) шу каби кўрсаткичлардан фарқ қилмади: ўртача ёш 44,00±7,50 йилни, ТВИ - 44,50±4,81 кг/м<sup>2</sup>, глюкоза даражаси - 9,39±4,00 ммол/л, инсулин даражаси - 38,39±6,48 мкМЕ/мл, С-пептид даражаси 3,21±0,36 нг/мл, НbА1с даражаси - 7,06±1,99%, НОМА индекси - 16,19±7,92 ни ташкил қилди. Бугдан ташқари, статистика нуқтаи назардан иккала гуруҳдаги беморлар МС мавжудлиги ва мавжуд бўлмаслиги бўйича бир биридан фарқ қилмади (p=0,794).

Иккала гуруҳдаги беморларнинг углеводлар метаболизмини таҳлил қилганда, ТВИ шубҳасиз углевод алмашинуви бузилишига бевосита таъсир қилиши аниқланди. Бундан ташқари, ТВИ ва ИР индекси кўрсаткичи бўлган НОМА индекси ўртасида тўғридан-тўғри корреляция борлиги аниқланди. Маълум бўлдики, касаллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган ҳолатда углеводлар метаболизми бузилишининг клиник ва лаборатория белгилари янада аниқ компенсацияланган характерга эга бўлди (1-жадвал). ТВИ юқори бўлган ҳолатда бетта ҳужайраларнинг маркери бўлган С-пептид даражаси билан ифодаланган инсулин синтезини камайиши туфайли лаборатория ва клиник белгилар субкомпенсацияланган характерга эга бўлди. Бунга саба шуки, узоқ вақт мобайнидаги бетта ҳужайралар гиперфункцияси ва ИР маълум вақт мобайнида бетта ҳужайралар апоптозига олиб келади. Шу муносабат билан, тахмин қилса бўладики, ТВИ баланд бўлмаган, лекин ИР мавжуд ва бетта ҳужайралар апоптозининг клиник белгилари бўлган ҳолатда бетта

хужайралар функциясини тиклайдиган инкретин механизмларни кўпроқ стимуллаш мақсадида ҳазм қилиш жараёнини қуйи дистализацияси бажаралиши мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ТВИ, НОМА индекси ва касаллик давомийлиги ўртасидаги ўрнатилган муносабат жарроҳликни даволаш прогнози ва самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

### 1-жадвал

#### Жинс, ТВИ ва касаллик давомийлигига боғлиқ ҳолда углеводлар алмашинуви кўрсаткичлари (n=61)

	НОМА индекси	HbA1c	C-пептид
<b>Жинс</b>			
Эркак	22,57	10,4	3,66
Аёл	19,08	8,89	3,26
<b>ТВИ</b>			
ТВИ<40	15,43	11,6	2,98
ТВИ>40	23,75	8,1	3,94
<b>Касаллик давомийлиги</b>			
5 йилгача	24,28	7,9	3,87
10 йилгача	21,45	9,6	3,10
15 йилгача	18,13	10,8	2,84

Семизлик билан касалланган 61 нафар беморларда углевод алмашинувини таҳлил қилганда, 50 нафар беморда ҚД 2 типи ташхиси тасдиқланган, 1 та беморда илк бор ҚД 2 типи аниқланган. Қолган 10 та беморда оч қоринда ва овқатдан кейинги қондаги глюкоза миқдори меъёردа бўлиши билан биргаликда яширин ИР мавжудлиги аниқланди (С-пептид ва НОМА индекси ошиши). Бу эса семизликка чалинган беморларда углеводлар алмашинуви бузилиши хавфи жуда юқори эканлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради ва углевод алмашинуви бузилиши жарроҳлик тактикасини танлашда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлганлиги боис, бу омилни операциядан олдинги даврда инобатга олиш керак бўлади.

Операциядан кейинги даврда ҚД 2 типи ва преддиабет билан хасталанган беморларда ИР пасайишини таққослаганда, хулоса қилса бўладики, қондаги глюкоза даражаси меъёда бўлган, аммо яширин ИРга эга бўлган беморларда НОМА индексини нормаллашиши тезроқ ва самаралироқ бўлади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Углевод алмашинуви бузилиши ва семизликни даволашда Ру бўйича гастрощунтлаш ва минигастрощунтлашнинг самарадорлигини баҳолаш» келтирилган. Углевод алмашинуви бузилишларини даволашда Ру бўйича ГШ нинг ўрта муддатли натижаларини таҳлил қилганда, 19 та беморда тана массаси индексидан қатъий назар, дастлабки глюкоза индекси  $11,22 \pm 1,9$  ммоль/л даражани, 3-ой кузатуви бўйича –  $6,57 \pm 1,02$  ммоль/л, 6-ойда – меъёрий қийматларгача камайиб  $5,83 \pm 0,7$  ммоль/л, 1-йилга  $5,56 \pm 0,58$  ммоль/л ( $p < 0,001$ ) ни ташкил этди. Кузатувнинг 2-йилига келиб бу тенденция давом этди ва кўрсаткич даражаси  $5,36 \pm 0,6$  ммоль/л га тенглашди.

Ушбу гуруҳдаги беморларнинг С-пептид даражаси динамикасини баҳолаганда, дастлабки кўрсаткич  $3,15 \pm 0,48$  нг/мл ни ташкил этди,

кузатувнинг 3-ойида  $2,84 \pm 0,44$  нг/мл гача камайди, 6-ойида -  $2,38 \pm 0,46$  нг/мл, 1-йилида кўрсаткич  $1,99 \pm 0,40$  нг/мл ни ташкил қилди. Бу тенденция кузатувнинг 2-йилида давом этди ва кўрсаткич даражаси  $1,68 \pm 0,28$  нг/мл га тўғри келди. Бу қиймат барча кузатиш даврларида статистик жиҳатдан ( $p < 0,001$ ) сезиларли даражада пасайган.

Дастлабки HbA1c кўрсаткичи  $8,80 \pm 1,17\%$  даражасига тўғри келди, кузатувнинг 3-ойларига келиб  $6,71 \pm 0,76\%$  гача пасайди, 6-ойларига келиб меъерий даражагача пасайди ва  $6,20 \pm 0,5\%$  ( $p < 0,001$ ) га тўғри келди, кузатувнинг 1-йилига келиб кўрсаткич даражаси  $5,64 \pm 0,55\%$  га тенглашди, 2-йилга келиб бу тенденция давом этди ва кўрсаткич  $5,59 \pm 0,74\%$  ни ташкил этди.

Ушбу гуруҳ беморларида НОМА индексининг динамикасини кўриб чиққанда шунга ўхшаш тенденция аниқланди. Дастлабки кўрсаткич  $18,11 \pm 4,04$  га тўғри келди, кузатувнинг 3-ойига келиб  $9,20 \pm 2,15$  гача камайди, 6-ойида –  $6,01 \pm 1,27$ , 1-йилга келиб  $4,25 \pm 0,90$ , кузатувнинг 2-йилига келиб кўрсаткич даражаси меъерий қийматга етди ва  $2,30 \pm 0,74$  га тенг бўлди. Кўриниб турибдики, кузатувнинг барча даврларда қондаги инсулин миқдори ва НОМА индекси статистика нуқтаи назардан ( $p < 0,001$ ) сезиларли даражада пасайиши кузатилди, бу эса гиперинсулинемия ва ИР белгиларини турғун равишда йўқлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, глюкоза, HbA1c ва инсулин қийматлари Ру бўйича ГШ операциясидан кейин 6-ойгача меъерий даражагача камайган бўлса, НОМА индекси 2 йилдан кейин нормал бўсағадаги қийматларга етди.

ТВИ  $< 40$  кг/м<sup>2</sup> бўлган Ру бўйича ГШ гуруҳи беморларни ( $n=12$ ) баҳолаганда, қуйидагилар аниқланди: дастлабки глюкоза индекси  $11,01 \pm 1,9$  ммоль/л ни ташкил этди, кузатувнинг 3-ойида меъерий  $6,66 \pm 1,16$  ммоль/л қийматгача камайди, 6-ойида  $5,76 \pm 0,74$  ммоль/л га ( $p < 0,001$ ), 1-йилида  $5,36 \pm 0,50$  ммоль/л га етди ва 2-йилига келиб бу тенденция давом этди, кўрсаткич  $5,31 \pm 0,49$  ммоль/л га тенглашди.

Дастлабки HbA1c кўрсаткичи  $8,76 \pm 1,12\%$  даражасига тўғри келди, 3-ой кузатуви бўйича  $6,77 \pm 0,89\%$  гача пасайди, 6-ойга келиб меъерий кўрсаткичга етди ва  $6,21 \pm 0,53\%$  ( $p < 0,001$ ) га тўғри келди, 1-йил кузатуви бўйича кўрсаткич даражаси  $5,71 \pm 0,49\%$  га тўғри келди, 2-йилга келиб бу тенденция давом этди ва кўрсаткич  $0,69\%$  га тенг бўлди. Бошқа барча кўрсаткичлар (инсулин, НОМА индекси, С-пептид) статистик жиҳатдан барча кузатиш даврларида ( $p < 0,001$ ) сезиларли даражада пасайган. Шу билан бирга, 6 ой операциядан кейин инсулин даражаси меъерий даражагача камайган бўлса, НОМА индекси 2 йилдан кейин меъерий бўсағадаги қийматларга етди.

ТВИ  $> 40$  кг/м<sup>2</sup> бўлган Ру бўйича ГШ гуруҳи беморларни ( $n=7$ ) ўрганганда қуйидагилар аниқланган: дастлабки глюкоза индекси  $11,57 \pm 2,06$  ммоль/л даражага тенг бўлди, кузатувнинг 3-ойида  $6,43 \pm 0,77$  ммоль/л қийматга етди, 6-ойида меъерий  $5,93 \pm 0,66$  ммоль/л даражагача ( $p < 0,001$ ) пасайди, 1-йилида  $5,90 \pm 0,59$  ммоль/л га етди, 2-йилига келиб бу тенденция давом этди ва кўрсаткич  $5,44 \pm 0,79$  ммоль/л га тенглашди.

Дастлабки HbA1c кўрсаткичи  $8,86 \pm 1,35\%$  даражасига тўғри келди, кузатувнинг 3-ойларига келиб  $6,60 \pm 0,53\%$  гача камайди, 6-ойига келиб меъерий

кўрсаткичларгача камайди ва  $6,18 \pm 0,49\%$  ( $p < 0,001$ ) га тўғри келди, кузатувнинг 1-йилига келиб кўрсаткич даражаси  $5,54 \pm 0,65\%$  га тўғри келди, 2-йилга келиб бу тенденция давом этди ва кўрсаткич даражаси  $5,25 \pm 0,75\%$  га тенг бўлди.

Ру бўйича ГШ операциядан кейин турли вақтларда HbA1c даражаси 5, 10 ва 15 йилгача ( $p > 0,05$ ) касаллик давомийлик муддати билан статистика нуқтаи назардан боғлиқ бўлмади. Бошқа барча кўрсаткичлар (инсулин, НОМА индекси, С-пептид) статистик жиҳатдан барча кузатиш даврларида ( $p = 0,05$ ) сезиларли даражада пасайган. Шу билан бирга, 6-ой операциядан кейин инсулин даражаси меъёрий даражагача камайган бўлса, НОМА индекси 2 йилдан кейин нормал бўсағадаги қийматларга етди.

Ру бўйича ГШдан кейин ТВИ  $>40$  кг/м<sup>2</sup> ва углевод алмашинуви бузилиши мавжуд бўлган беморларда углевод алмашинувининг нормаллашуви дастлабки ТВИ  $<40$  кг/м<sup>2</sup> бўлган беморларда содир бўлгандек кузатилган.

Олинган маълумотларга кўра, 2 йил операциядан кейин Ру бўйича ГШ гликемия даражасини назоратини ва ҚД 2 типи кўрсаткичларини ремиссиясини 89,5% самарадорлигини, 50 ёшгача бўлган беморларда – 100% ни, ТВИ  $>40$  кг/м<sup>2</sup> бўлган гуруҳ беморларда – 91,6% ни ва 5 ва 10 йилгача касаллик давомийлиги кузатилган беморларда – 100% ни ташкил этди, лекин 50 ёшдан ошган ва ТВИ  $>40$  кг/м<sup>2</sup> бўлган ва касаллик давомийлиги 15 йилни ташкил этган беморларда Ру бўйича ГШ самарадорлиги 60%, 85,7% ва 60% гача пасайди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ёш, ТВИ ва касаллик давомийлигига боғлиқ ҳолда углеводлар алмашинуви бузилишини даволашда Ру бўйича ГШ самарадорлиги (n=19)

	Операциядан олдинги ҚД 2 типи	ҚД 2 типи тўлиқ ремиссияси	ҚД 2 типи нотўлиқ ремиссияси	Ру бўйича ГШ самарадорлиги
Жами	19	16	3	84,2%
<b>Ёш бўйича</b>				
<50 ёш	14	13	1	92,8%
>50 ёш	5	3	2	60%
<b>МС мавжудлиги бўйича группалар</b>				
ТВИ $<40$ кг/м <sup>2</sup>	12	10	2	83,3%
ТВИ $>40$ кг/м <sup>2</sup>	7	6	1	85,7%
<b>ҚД касаллиги давомийлиги бўйича</b>				
5 йилгача	7	7	-	100%
10 йилгача	7	6	1	85,7%
15 йилгача	5	3	2	60%

Ру бўйича ГШ бўйича ўтказган беморларда (n=19) дастлабки ТВИ нинг ўртача қиймати  $49,31 \pm 2,42$  кг/м<sup>2</sup> даражасига тўғри келди, кузатишнинг 3-ойига келиб  $43,35 \pm 3,25$  кг/м<sup>2</sup> гача, 6-ойига келиб эса –  $38,85 \pm 1,12$  кг/м<sup>2</sup> гача, 1-йилида –  $34,41 \pm 1,57$  кг/м<sup>2</sup> гача камайди. Кузатувнинг 2-йилига келиб вазн йўқотиш даражаси секинлашди ва  $32,93 \pm 0,78$  кг/м<sup>2</sup> га тўғри келди.

Ёшни инобатга олмаган ҳолда % EBMIL кузатурнинг 3-ойида 24,51% га, 6-ойида 43,03% га, 1-йилида 61,3% га тенглашди. Кейинчалик кузатувнинг 2-йилида келиб, % EBMIL секинлашди ва 67,37% ни ташкил этди.

Углевод алмашинуви бузилишларини даволашда МГШ нинг ўрта муддатли натижаларини таҳлил қилганда, 42 та беморда тана массаси индексидан қатъий назар, дастлабки глюкоза индекси  $9,83 \pm 3,34$  ммоль/л даражани, 3-ой кузатуви бўйича меъерий қийматларгача камайиб  $5,81 \pm 0,81$  ммоль/л) ни ташкил этди. Кузатувнинг 2-йилига келиб бу тенденция давом этди ва кўрсаткич даражаси  $5,13 \pm 0,63$  ммоль/л га тенглашди.

